O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO
VILOYATI ANGOR TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАИДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
АНГОРСКОГО РАЙОНА

2020 й «29» апрель № 4-604 «___» _____ 20___ г

Туман худудларидаги каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг сувини муҳофаза қилиш зоналари ҳамда соҳил бўйи минтақаларини белгилаш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сонли "Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижросини таминлаш максадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ангор тумани худудларидаги сойлар, каналлар, қирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларини қирғоқдан 20 метр, хўжаликлараро канал ва коллектор тармоқлари учун 12 метр ҳамда хўжалик ички суғориш ва зовур тармоқлари учун 10 метр этиб белгилансин.

2. Хўжаликлараро канал ва коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақасида сув хўжалиги идоралари рухсатисиз қурилиш ишлари олиб бориш ифлослантирувчи нарсалар (ахлат, гўнг, саноат чиқиндилари, маиший оқавалар) ташлаш шунингдек заҳарли дорилар, минерал ўғит омборлари, ёнилғи мойлаш материаллари омборлари, автомобиллар ёнилғи қуйиш шахобчалари, молхона, паррандачилик корхоналари ва бошқа ифлослантирувчи корхоналар қуриш қатъиян ман этилганлиги белгилаб қуйилсин.

3. Туман худудларидаги магистрал, хўжаликлараро ва ички канал ҳамда коллекторлар қирғоқ буйи ҳимоя минтақаларига сув хўжалиги идоралари рухсати билан қирғокларни мустаҳкамлаш, сув бугланишини камайтириш мақсадида мавсумий қишлоқ хўжалиги экинларини экишга рухсат берилсин.

4. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари (Г.Жумаева) ва "Ангор ёғдуси" газетаси таҳририяти (Р.Эшмуродов)га мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатни "Ангор ёғдуси" газетасида чоп этилиши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочиларга етказилишини ташкиллаштирсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Марданов зиммасига юклатилсин.

Ҳоким У.Туранов

REPUBLIKASI SURXONDARYO V... DEVONXONA ...GOR TUMAN HOKIMI

ASLIGA TO'G'RI
ANGOR TUMANI HOKIMLIGI
UMUMIY BO'LIM MUDIRI